

Машъум биродар масаласи



11:00 / 11.11.2019 1984

Бу масала олдинги масаланинг тескарисидир: сингил биродари борлиги учун меросдан маҳрум бўлади.

Биринчи мисол: Бир аёл вафот этди. Оритдан эри, онаси, отаси, қизи, ўғлининг қизи қолди. Ушбу ҳолатда ўғилнинг қизи ҳам мерос олади. Аммо унга унинг биродари – акаси ёки укаси қўшилса, унинг сабабидан қиз меросдан маҳрум бўлади. Синглисини меросдан маҳрум қилган бундай биродар «машъум биродар» дейилади.

Иккинчи мисол: Бир аёл вафот этди. Оритдан эри, онаси, она бир биродари, туғишган синглиси ва ота бир синглиси қолди. Бу ҳолатда ота бир сингил мерос олади. Аммо унга ота бир биродар қўшилса, мерос олмайди. Шунинг учун ундай биродар «машъум биродар» деб аталади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан